Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 49 (3550)
СЕШАНБА
28 ФЕВРАЛЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ



СУРАТДА: Тошкент шаҳрига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети кўчма Қизил байроғининг топширилиши. М. Нуриддинов фотоси.

Ўтган йил якунларига кўра Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиблари орасида Тошкент области ва Тошкент шаҳри ҳам бор. Тошкентликлар Улуғ Октябрь юбилейини ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада ошириш билан нишонладилар. Юз минглаб ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг вакиллари меҳнатда юксак муваффақиятларга эришиб, қабул қилинган социалистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариб, Ватанни қувонтирдилар.

27 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини область ва шаҳарга топширишга бағишланди. Йиғилишда саноат ишлаб чиқариши, қурилиш, транспорт илғорлари, донгдор деҳқонлар ва чорвадорлар, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари иштирок этдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов байроқларни гулдурос қарсаклар остида топширди. Ш. Р. Рашидов социалистик мусобақа ғолибларини сидқидилдан муборакбод этиб, уларнинг меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларга эришувларини тилади ва Тошкент ҳамда область меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубидан келиб чиқадиган вазифаларига тўхталиб ўтди.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, Чиноз районидаги Киров номли колхоз бригадири Т. Охунова, «Главташкентстрой»нинг бўёқчилар бригадири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Р. Ф. Полиевтова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Бўка» совхозининг бригадири М. А. Ковалева ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар тошкентликларнинг меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун партия билан ҳукуматга қизғин миннатдорчилик изҳор этдилар. Йиғилиш қатнашчилари шуни таъкидладиларки, корхоналар, қурилишлар, совхоз ва колхозларнинг коллективлари юбилей йилида эришилган муваффақиятларини мустаҳкамлаб, беш йиллик учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақани янада кенг авж олдириб юбордилар.

Сўзга чиққан ўртоқлар меҳнат коллективлари ишлаб чиқариш резервларидан тўлароқ фойдаланишга, меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, ишлаб чиқариш объектларини ишга туширишни жадаллаштиришга, иш сифатини бутун чоралар билан яхшилашга астойдил аҳд қилганликлари тўғрисида гапирдилар. Областнинг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари ҳар бир гектар ердан, ҳар бир центнер ем-хашак ва ўғитдан, ҳар бир машинадан, капитал маблағларнинг ҳар бир сўмидан оқилона фойдаланишни ўзларининг фахрли бурчи деб билаётганликларини таъкидлаб ўтдилар. Улар пахта, каноп, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб Ватанни хушнуд этишга интилмоқдалар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга баланд рух билан мактуб қабул қилдилар. Мактубда айтилади: Тошкент области ва Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари юксак мукофотга жавобан меҳнатдаги муваффақиятларини оширадилар ва шу билан партия XXV съезди қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Н. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, П. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, Н. Маҳмудов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, С. Мамарасулов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

Қизил байроқ муборак!

Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи 1977 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив иштирок этиб, юбилей йилида юксак меҳнат кўрсаткичларига эришганлиги учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди.

Байроқни топшириш га бағишланган митингни бирлашма партия комитетининг секретари Ф. Нажмиддинов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг авиасозларга кўчма Қизил байроқ тантанали равишда топширилди.

Коллектив юксак мукофотдан руҳланиб, ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилига қўшимча оширилган мажбурият қабул қилди. Зарбдор меҳнат йилида аввалги мажбуриятга қўшимча яна юз минглаб сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эса 11 процентга ўстирилади.

МУҲИМ ОБЪЕКТЛАР УЧУН

Шаҳримиздаги йирик ғишт заводларидан бири ҳисобланган 3-ғишт заводи коллективи шу кунларда юқори меҳнат кўтаринкилигида меҳнат қилмоқда. Шаҳримизда тобора кенг қулоч ёйиб бораётган ҳар хил қурилиш иншоотларига энг зарур материални етказиб бериш ишига бу коллектив зиммадаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда киришган. Айниқса ғишт чиқарувчи бригадалар алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда. З. Жўраев, У. Нигматуллин ва И. Аҳметшин бошлиқ бригадаларнинг ҳар бир аъзоси ҳар куни планда белгиланган 5700 дона ғишт ўрнига 6—7 минг донадан ғишт чиқариб, кунлик нормани 115—120 процентдан адо этишмоқда.

Завод бўйича йил бошидан бери реализация қилинган ғишт 5 миллиондан ортди. Бу топшириқда белгиланганидан анча ортиқроқдир.



«Узсельхозтехника»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тажриба ремонт-механика заводи коллективи республикамиз қишлоқ хўжалиги учун нўп миқдорда трактор двигателлари ва гидравлик прессларни тайёрлаб жўнатмоқда. Ушбу суратда корхона мотор ремонти цехининг ветеран ишчиси, коммунист Павел Кузоверовни кўриб турибсиз. Силлиқловчилик касбини пухта эгаллаб олган бу ишчи коллектив муваффақиятига салмоқли ҳисса қўшяпти.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўзбекистон ССР давлат савдоси, матлубот кооперацияси, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги корхоналари ва ташкилотлари ҳамда «Главснаб» ходимларининг 1978 йилги социалистик мажбуриятлари эълон қилинган.

● 27 февраль куни Самарқанд жамоатчилиги республиканинг кекса ижодий коллективи — Ҳамид Олимжон номли ўзбек драма театрининг 60 йиллигини нишонлади. Шу воқеага бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон театр жамоатчилигининг намояндалари, қардош республикаларнинг вакиллари, Польша Халқ Республикасидан келган меҳмонлар театр шаънига самимий сўзлар айтдилар.

● 27 февраль куни Нукус санъат саройи олдидаги майдонда Бердақ Қарғабой ўғлининг ҳайкали очилди. Бу воқеа Қорақалпоғистон миллий адабиётининг классиги туғилган кунининг 150 йиллик байрамига тўғри келди. Шу куни Нукусда Бердақ юбилейига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, маҳсулотни реализация қилиш юзасидан ўнинчи беш йиллик учинчи йилининг дастлабки икки ойи планини муддатидан илгари, 27 февралда бажардилар. (ЎзТАГ).

«САЛЮТ—6»—«СОЮЗ—27» КУЗАТИШЛАР ВА ЭКСПЕРИМЕНТЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 27 февраль. (ТАСС). Космонавтлар Юрий Романенко билан Георгий Гречко 80 кундан бери Ер атрофи орбитасида ишлаб турншибди. Бугун «Салют-6» — «Союз-27» космик илмий-тадқиқот комплексининг экипажи станция ва кема бортидаги системалар ва агрегатларни профилактик кўрикдан ва контроль текширувдан ўтказишлари, ҳордиқ чиқаришлари ва велоэргометр билан комплекс тренажерда жисмоний машқлар қилишлари мўлжалланган. Космонавтлар ер юзи ва жаҳон океани акваториясининг айрим районларини визуал кузатдилар ва фотосуратга ҳам оладилар.

Медицина контроли маълумотларига кўра, Романенко билан Гречко ўртоқларнинг сиҳат-саломатликлари яхши.

«Салют-6» — «Союз-27» орбитал комплекси бортидаги ишлар давом эттирилмоқда.

ЙЎЛСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

● ШАҲРИМ — ФАХРИМ

Шу кунларда пойтахтимизнинг Ҳамза районида ободончилик ишларн жадаллик билан олиб борилмоқда. Воровский кўчасининг Қорасув канали атрофида кенг миқёсда ободончилик ишлари бошлаб юборилди. Бу ерда канал соҳилини аҳоли ҳордиқ чиқарадиган жойга айлантириш бўйича ишларни Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг коммунал уй-жой бошқармаси ремонт-қурилиш ва ободонлаштириш коллективи олиб бормоқда.

Ихтисослаштирилган йўл-эксплуатация трестининг 1-ремонт-қурилиш бошқармаси эса **синн кенгайтиришга киришди. Бу ерда асфальтлаш ва кўчани ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.** Шунингдек Боткин кўчасига чиқиладиган йўл ҳам ободонлаштирилмоқда.

БУГУН

Новоульяновская кўча-

ҚИЗҒИН ТАРАДДУД

Май ойида республикамиз пойтахтида Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари кинофестивали тантанали суратда очилади. Хозир шаҳримиз кинотеатрларида ана шу анжуманга қандай тайёргарлик кўрилмоқда? Фестиваль фильмлари қайси кинотеатрларда кўрсатилади? Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг кинолаштириш бошқармаси бошлиғи Қиём Хўжаевич ДОНИЕРОВ ана шу ҳақда махсус мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Тошкент кинофестивалларини Осиё ва Африка. 1976 йилдан бошлаб эса Латин Америкаси мамлакатларининг фильмларини кўришлари мумкин. Бу улкан кино саройида кинофильмларни кўрсатадиган энг сўнгги ноёб аппаратлар ўрнатилганки, улар ёрдамида ҳар қандай ҳажмдаги лента фильмларини бемалол намойиш қилиш мумкин. «Санъат саройи»да Ўзбекистон ССР кино санъатига бағишланган виставкалар билан бирга кинофестивалда намойиш этиладиган фильмлардан суратлар қўйилади. Бундан ташқари бу ерда фильмлар намойиш қилинишидан олдин актёрлар билан томошабинларнинг учрашувлари уюштирилади.

Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари кинофестивалининг кўнгилдагидек кутиб олишга қандай тайёргарлик кўрилмоқда? Шуни айтиш керакки, республикамиз пойтахтидаги 20 та қишки кинотеатрдан ўн биттасида фестиваль кинофильмлари намойиш этилади. Булар — «Санъат саройи», «Чайка», «Москва», «Дружба», «Восток» «Қозогистон», «Нукус» каби кинотеатрлардир. Санъат саройидаги иккита залда қўйиладиган фильмларда эса томошабинлар фақат абонемент билети орқали Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг фильмларини кўришлари мумкин. Бу улкан кино саройида кинофильмларни кўрсатадиган энг сўнгги ноёб аппаратлар ўрнатилганки, улар ёрдамида ҳар қандай ҳажмдаги лента фильмларини бемалол намойиш қилиш мумкин. «Санъат саройи»да Ўзбекистон ССР кино санъатига бағишланган виставкалар билан бирга кинофестивалда намойиш этиладиган фильмлардан суратлар қўйилади. Бундан ташқари бу ерда фильмлар намойиш қилинишидан олдин актёрлар билан томошабинларнинг учрашувлари уюштирилади.

Шаҳримизда ўтказиладиган халқаро кинофестивалларни Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимизнинг кино санъатига кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлиги, халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш, ер курраси да тинчликни сақлаш учун олиб бораётган олижаноб ва умум ишининг яна бир исботи эканлиги ҳақида гапирдилар.

● ФАКТ ВА ШАРҲ

ПОЕЗДНИ АВТОМАТ БОШҚАРАДИ

Тошкент метрополитени трассасида тезликни автомат равишда созлаб турадиган система ишга солинди. Рельслардан ўтиб бораётган поезд ҳаракатининг тезлиги тўғрисида ўзи сигнал беради. Электрон қурилма олинган маълумотни белгиланган ҳаракат режими билан таққослайди ва керак бўлса тезликни ўзгартирувчи автоматларга команда беради.

Поездлар тезлигини автомат тарзда созлаш графикка аниқ амал қилиш имконини беради, ҳаракат хавфсизлигини хизматига ёрдам беради.

(ЎзТАГ мухбири).

* * *

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИНИНГ БОШ ИНЖЕНЕРИ Х. Ғ. ҒАФУРОВ БУ ХАБАРНИ ШАРҲЛАЙДИ:

— Автомат системанинг ишга туширилиши метромизда автоматикани жорий этиш борасидаги катта ишларнинг бошланишидир. Келаси йил метрополитен поездлари ҳаракатини автомат тарзда бошқариш комплекс системаси асосан яратиб бўлинади. Система ўзлаштирилиши билан машинистга амалда зарурат қолмайди. Система тезликни ўзи ошириди ёки пасайтиради, вагонларнинг эшикларини очиб ёпади, трасса охирига борганда поездни тескари йўналишга ўтказади. Шунинг учун ҳам поезд бригадаси икки киши эмас, бир кишидан иборат бўлиб қолади ва у камдан-кам ҳолларгина бошқаришга аралашади. Электрон-ҳисоб машиналари ҳаракат графигига қатъий риоя этилишини кузатиб боради. «Метро» автомат бошқариш системаси батамом ишга туширгунча, линиядаги поездлар сонини керагича кўпайтириш ёки камайтириш, метрополитеннинг муракаб хўжалигини бошқариш борасидаги бошқа оператив вазифаларни ҳал этиш учун компьютерлар йўловчи оқимини назорат қилиб туради.

ЗЛОБИНЧАСИГА ИШЛАБ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубида капитал қурилиш самарадорлиги ва сифатини оширишда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобиннинг бригада пудрати методи бўйича ишлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиши алоҳида уқтириб ўтилган. Шунинг учун ҳам «Главташкентстрой» г а қарашли 11-«Висотстрой» трестида хўжалик ҳисобининг бригада пудрати усулида ишлашга катта эътибор бериляпти.

Трест коллективи беш йилликнинг учинчи йилида ўн тўртта бригадани злобинча иш усулига ўтказишга ахд қилган. Айни кунларда «Узгипросельхоз» институтининг биносини қураётган Б. Димов, «Коммунинжпроект» маъмурий биносини бунёд этаётган А. Князев, «Узмежколхозпроект» объектида меҳнат қилаётган Н. Бойзоқов раҳбарлигидаги бригада коллективлари хўжалик ҳисобида ишлашиб, қувончли ютуқларни қўлга киритишмоқда.

Бу бригадаларнинг аъзолари москваликлар ва ленинградликлар н и н г ватанпарварлик ташаббусига қўшилишиб, СССР Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигигача уч йиллик планни бажариш муддатида кун сайин ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини ўстиришга эришмоқдалар.

ҚИММАТЛИ ЧИҚИНДИЛАР

Тошкентдаги 4-нон маҳсулотлари комбинатининг рационализаторлари 25 минг сўм тежжаб қолдилар. Бункерларнинг ҳажми уларнинг таклифига биноан бир ярим баравар кенгайди. Хашаки хамиртуруш тайёрлаш учун қимматли хом ашё бўлган шоли пўстлоғи цехлардан ана шу бункерга тушади. Эндиликда 12 та бункернинг ҳаммасига бир маҳалда 120 тонна шоли пўстлоғи тўкиш мумкин. Шунинг натижасида ҳом ашё цехларда тўпланиб қолмайди, бинони банд қилиб қўймайди. Бу эса, корхонанинг узлуксиз ишлашини таъминлайди. Бу янгиликни республикадаги бошқа шоли комбинатларида ҳам жорий этиш мўлжалланмоқда.

МОСКВАЛИКЛАРДАН НАМУНА ОЛИБ

Москва ва Ленинград шаҳарларидаги илғор саноат корхоналари коллективлари СССР янги Конституцияси нунигача беш йилликнинг уч йили топшириғини бажариш бўйича ташаббус бошлашганда шаҳримиздаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 6-цехидаги мастер С. Белоглазова бошлиқ чеварлар бригадаси бу ҳаракатга биринчилардан бўлиб қўшилиб, янги оширилган мажбуриятлар қабул қилишди. Ҳозир чеварлар аҳдга яраша меҳнат қилишяпти. Илғор тикувчилардан Н. В. Кайкова, С. Набиева цех ишчиларининг ўзаро социалистик мусобақасида барчага намуна бўлиб, смена топшириқларини 150—155 процентга етказиб бажаришяпти. Ҳозир бригада коллективи графигидан ўзиб, 1978 йилнинг май ойи ҳисобига маҳсулот тайёрлаяпти. Коллектив йил бошидан бери эркакларнинг 5,5 мингта сифатли пиджагини тайёрлади.

КЎРГАЗМА МЕДАЛИ

БУГУН

қоғоз комбинатининг коллективи буюртмачиларга 30 минг сўмлик турли маҳсулотларни жўнатди. Улар Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларини н г савдо ташкилотларига мўлжалланган.

Йил бошидан буён буюртмачиларга етказиб берилган маҳсулотлар бир неча юз минг сўмликни ташкил қилади.

Корхонада маҳсулотларнинг янги хилларини ўзлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Қалин дафтарлар муқоваси титилиб кетмайдиган полихлорвинил материалидан тайрланмоқда. Бундан ташқари биринчи марта 18 варақли дафтарларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмаси корхонанинг бу маҳсулотини бронза медали билан тақдирлади.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИГИ

ХАЛҚ АНСАМБЛИ

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида корхона ишчи ва хизматчилари маданий ҳордиқ чиқариш билан бирга турли тўгараклардa санъат сирларини ўрганадилар.

— Куни кеча саройимиз коллективи учун яна бир қувончли воқеа юз берди, — дейди унинг директори Юлдуз Юсупова.— Маданият саройимиз қошида ишлаб турган болалар рақс ансамбли халқ ансамбли деган шарафли номни олишга муяссар бўлди. Ёш раққосалардан иборат ансамбль ўзининг ажойиб ижрочилик фаолияти, ҳозирги замон хореография санъатининг услублари асосида тузилган концерт программалари билан томошабинларни мафтун этмоқда. Бундан ташқари ансамбль узоқ йиллар давомида қобилиятли ёш раққосалар етиштирганлиги учун ана шундай номга эришди.

Истеъдодли коллектив эртага шаҳримизда бошланадиган болалар музика ҳафталиги тадбирларида қатнашади.

ПЕШҚАДАМ АНИҚЛАНДИ



Кеча, футбол бўйича VIII Халқаро ўсмирлар турнирининг иккинчи тур учрашувларида барча совет командалари ғалаба қозонишди.

СССРнинг биринчи терма командаси Эрон футболчиларини йирик ҳисобда (4:0) мағлубиятга учратди. Мамлакатимизнинг иккинчи терма командаси эса ГДРнинг кучли командаси устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Польша ва Ўзбекистон командалари ўртасидаги учрашув ниҳоятда кескин ўтди. Республикамиз вакиллари аввалги матчдагига нисбатан бу сафар дадилроқ ҳаракат қилишди, кўп ҳужум қилиб, моҳирлик билан ўз дарвозаларини ҳимоя қилишди. Натижада Ўзбекистон терма командаси 1:0 ҳисобида ғалабани қўлга киритди. Венгрия—Украина учрашуви тақдирини украиналик спортчилар киритган ягона тўп ҳал қилди. Улар ҳам 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Шундай қилиб, биринчи кичик группада ягона пешқадам аниқланди. Бу 4 очко тўплаган СССРнинг биринчи терма командасидир. Команданинг киритган ва ўтказиб юборган тўплари нисбати ҳам жуда яхши—9:0. Иккинчи группада эса мураккаб вазият вужудга келди. Беш командадан тўрттаси (Чехословакия футболчиларидан ташқари) иккитадан очко тўплади.

ЯНГИ ЛЕКТОРИЙ

Чилонзор районидаги 5-маданият уйининг ҳодимлари меҳнаткашлар ўртасида олиб бораётган маданий тадбирлари тематикаси яна бир янги лекторий билан бойиди. Бу ерда «Партия бизнинг раҳнамомиз» деб аталган лекторий ташкил қилинди. Янги лекторийнинг тузилган программасига биноан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ташкил топган кундан бошлаб шу кунгача босиб ўтган зафарли йўли, партияни ташкил қилишда пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин кўрсатган бебаҳо ташкилотчилик, партия Марказий Комитетининг ейинги йилларда олиб бораётган жўшқин фаолияти ҳақида жуда кўп суҳбатлар ўтказилади.

Машғулотларни олиб боришда шаҳримиздаги олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг олимлари, партия ветеранлари, йирик хўжаликларнинг раҳбарлари қатнашадилар.

Маданият уйи ташаббуси билан ҳозирда 2 ва 3-Чархкамолон маҳалларида иккита лекторий ишлаб турибди. Улар «Бизнинг совет қонунимиз», «Унинчи беш йилликнинг марралари» деб аталади. Куни кечагина бу лекторийларнинг бўлиб ўтган машғулотларида «Давлат ва шахс», «Совет социалистик турмуш тарзи янги жамиятнинг улуғвор муваффақиятидир» деган мавзуларга бағишланди.

АКТЁР БИЛАН УЧРАШУВ

«Қизил тонг» тикувчилик бирлашмасининг маданият саройида Украина ССРда хизмат кўрсатган артист Николай Олялин билан томошабинларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Н. Олялин «Халоскорлик», «Жаҳонгашта йигит», «Тунги мотоциклчи», «Орқага йўл йўқ», «Жала» сингари фильмларда муваффақиятли қатнашган.

Украиналик артист алоқа институти, «Союзхлопкомаш» бирлашмаси, Туркистон ҳарбий округининг қисмлари ва пойтахт областидаги қатор хўжаликларда ҳам кино томошабинлари билан учрашувлар ўтказди.

Мусобақа кундалиги

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Илғорларга тенглашиб

КЎП СТАНОКЧИ ТЎҚУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ ЯКУНИНИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ КАСАБА СОЮЗ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ М. В. ЧУБАСОВА ШАРҲЛАЙДИ

— Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ЎЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан СССР янги Конституциясининг бир йиллигига қадар топшириқларни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдиришяпти. Мусобақадошларнинг биринчи қаторида комбинат кўп станокчилари боришяпти. Улар ўзларининг кундалик меҳнатлари билан кишиларни ҳар бир иш жойида резервларни ишга солишга ўргатишяпти. Улар қўлга киритаётган меҳнат ютуқлари шуни исботлаяптики, меҳнатни тўғри ташкил этиш, юксак касб маҳоратига эга бўлиш юқори меҳнат натижаларига эришишнинг гарови экан.

Айниқса донгдор тўқувчи Нина Васильевна Ершованинг меҳнат ютуқлари таҳсинга сазовордир. Шу йилнинг 26 январда у республика тўқувчилари орасида биринчи бўлиб беш йиллик топшириқни бажарганлиги муносабати билан бўлган йиғилишда у ана шундай ваъда берди.

Қўлга киритган кўрсаткичлари бўйича Нина Васильевнанинг ортидан корхонанинг бошқа ветерани — тўқувчи Вера Ивановна Солдатова боряпти. У мунтазам 64 станокка хизмат қиляпти. Узининг ҳамкасб дугонаси билан у 48 станокка хизмат қилиш маҳоратли ишчилар учун чегара эмаслигини исботлади. Вера Ивановна ойлик топшириқларини 109,9 процент бажариб, ҳамма маҳсулотни биринчи тақдимда топширяпти. Февраль ойида В. Солдатова шахсий беш йиллик топшириғини бажариб, беш йиллик давомида 12 йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилганлигини маълум қилди.

В. Солдатован и н г сменчиси донгдор тўқувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Павловна Казанцева ҳам 64 станокка хизмат қиляпти. У миллион метрдан ортиқ газлама ишлаб чиқариб, шундан 391 минг метрини топшириққа қўшимча тўқиди. Донгдор тўқувчи ўзининг мусобақадош дугоналарини қувиб етишга ҳаракат қиляпти. У ишлаб чиқариш таълими инструктори бўлиб ишлаган пайтда улардан анча қолиб кетди. Ҳозир эса мусобақадошлар ўртасидаги фарқ камайиб боряпти.

Бошқа кўп станокчи тўқувчилар орасида 48 станокка хизмат кўрсатаётган 3 тўқувчи— В. Кузнецова, М. Асеева, К. Аникина ҳозирнинг ўзида тўрт йиллик топшириқни бажаришди. Кўп станокчи тўқувчиларнинг кенжаси Дилбар Қулматова ҳам шу маррага яқинлашяпти.

Анна Верзилина ҳам суръатни оширяпти. У ўзининг 48 та станогида смена топшириқларини 104,7 процент бажаряпти. Қарийб ҳамма газламани (99,8 процент) биринчи сортга топшириляпти.

Комбинат январь ойида планга қўшимча бир неча юз минг сўмлик маҳсулот реализация қилганлигида кўп станокчи тўқувчиларнинг муносиб улуши бор.



Коммунист Фарид Гумиров кўп йиллардан буён «Ташхимсельмаш» заводи 11-йиғув цехида илғор йиғувчи-слесарлар бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари учун зарур бўлган ОВХ—14 маркали пуркагич агрегатларининг энг ноёб деталлари шу бригада коллективи томонидан тайёрланади. Бригада коллективидан беш йиллик шахсий топшириқларини 3,5 йилда бажаришга аҳд қилган.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Ф. Гумиров иш устида.

• *Газетхон илтимоси*

ЕР ОСТИ ҚАСРЛАРИ

● «МЕТРО» СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ НИМА? ● ДУНЁДА БИРИНЧИ МЕТРО ҚАЕРДА ҚУРИЛГАН? ● ЎРТА ОСИЕДА БИРИНЧИ ● НУРЛИ ИСТИҚБОЛ САРИ

«Ҳурматли редакция! Тошкент шаҳрида метронинг ишга туширилиши ҳаммани беҳад хурсанд этди. Шу муносабат билан бизни баъзи бир нарсалар қизиқтирмоқда: метро сўзининг маъноси нимани билдиради, дунёда биринчи метро қаерда қурилган, Тошкентимизда метро қурилиши нелажакда қандай бўлади? Шулар ҳақида маълумот берсангиз.
С. МУСЛИМОВ, Х. ЛАТИПОВ, В. ОХУНОВА, Т. ТОШБОЕВ, Ш. ИКРОМОВ ва бошқалар».

Тошкентда метро қурилиши ва ишга туширилиши одамларга олам-олам қувонч бағишлади. Ер ости қасрларидан ғоят катта тезлик билан қатновчи бу поездлар ҳозирда минглаб одамларнинг узоғини яқин қилиб, вақтини тежаб бормоқда. Хўш, оқшомхон сўраганидек, «метро» сўзининг маъноси нима? «Метро» сўзи юнонча бўлиб, у «бош шаҳар», «марказ» деган маънони беради. Бу сўзнинг шу асл маъноси заминида йирик шаҳарларда қурилган ер ости йўллари ҳам метро деб номланган. Бундан ташқари, ҳозир айрим чет эл мамлакатларидаги энг йирик ва марказий музей, кутубхоналар ҳам «Метрополь музей» ёки «Метрополь кутубхона» деб аталади. Бундан бир аср муқаддам Англия пойтахтида қурилган дунёдаги биринчи ер ости йўли метрополитен деб номланган эди. Шундан буён жаҳоннинг турли мамлакатларида қиқирдан ортиқ шаҳар ер ости транспорт йўллари қурилди. Уларнинг ҳаммаси метрополитен, деб номланиб келинмоқда. Бунда, албатта ер ости йўли ўша шаҳарнинг энг маркази ёки бошқача қилиб айтганда, шаҳар ичидаги бош шаҳар деган маъно назарда тутилган. Бу эса бугунги кунда йирик шаҳарларда транспорт муаммосини ҳал этадиган, айни пайтда такрорланмас санъат даражасида яратилиб, кишиларни доимо ўзига мафтун этадиган гўзал ер ости қасрларига тўла мос келади.

Аслини олганда, ер тагида йўловчиларни ташийдиган метро поездлари темир йўл поездларининг худди ўзгинасидир. Шунинг учун ҳам метро поездларининг келиб чиқиши дунё темирйўлининг келиб чиқиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шуниси қизиқки, дунёда биринчи темир йўл ҳам Англияда— 1767 йилда қурилган эди. Бу албатта биринчи метронинг ҳам Англия пойтахтида қурилишига таъсир этди. 1863 йили 3,6 километр узунликда қурилган ана шу Лондон метроси поездлари худди паровозники сингари буғ билан юргизилган. Орадан беш йил ўтгач. Нью-Йоркда фақат эстакадаларда қурилган метро линияси жаҳонидаги иккинчи метрополитен бўлиб қолди. Шундан сўнг кўп ўтмай Стамбулда ҳам метро қуришга киришилади. 1875 йилда бунёд этилган бу ер ости йўли жаҳоннинг учинчи метрополитени эди.

Ўтган асрнинг охирлари ва асримизнинг бошларида Будапешт ва Парижда қурилган ер ости йўллари эса Европанинг энг қадимги метроларидир. Мадрид, Барселона. Афина, Токио, Стокгольм каби дунёдаги энг йирик шаҳарлар ҳам кўп ўтмай ўз метросига эга бўлдилар.

1935 йил 15 майда ишга туширилган Москва метроси Ватанимиз метрочилиги тарихини бошлаб берган СССРнинг улкан ер ости йўли бўлиб, унда қўлга киритилган бой тажриба ва тадқиқотлар кейинчалик Ленинград, Киев, Тбилиси, Боку, Харьков ва ниҳоят пойтахтимизда йўловчилар манзилини яқин қилаётган Тошкент ер ости йўли қурилишларида муҳим аҳамият касб этди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг 1931 йил 15 июнда Москва метросини қуриш тўғрисида қарори қабул қилинганидан кейин пойтахт ер ости йўли қурилиши бошлаб юборилди. Ватанимизда илк маротаба қурилаётгани, ҳали бу борада етарли тажриба йўқлиги туфайли Москва метросозлари катта қийинчиликларга дуч келишди. Энг аввало, тупроқ шароитлари ноқулай эди, асосий ишлар қўлда бажарилади. Аммо Москва метроси қурилиши умумҳалқ ҳашарига айланиб кетди. Унинг қурилишида 70 минг киши қатнашди. Иттифоқимизнинг 540 дан зиёд завод ва корхоналари метро учун зарур асбоб-ускуналар тайёрлашга жалб этилади. Москва ер ости йўлини қуришга киришганидан икки йил ўтмай ер остида тупроқ кавлаб берувчи биринчи совет щити фойдаланишга топширилди. Туннель очиш ишларини механизациялаш соҳасида қўлланилган бу янгилик

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

О. СОДИҚОВА: Меҳнат фаолиятим 1941 йилда бошланган. 1945 йилгача ишладим. 1966 йилдан эса бадиий буюмлар фабрикасида ишлайман. Айтингчи, мен қайси йўл билан ва қачон пенсияга чиқишим мумкин?

Жавоб: СССР Министрлар Совети томонидан 1972 йил 3 августда тасдиқланган «Давлат пенсияси белгилаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом»ига мувофиқ ишчи ва хизматчиларга пенсия белгилаш тўғрисидаги ариза ишчи ёки хизматчининг охирги иш жойидаги корхона, ташкилот, муассасаларнинг маъмуриятига берилади. Маъмурият фабрика-завод касаба союз маҳаллий комитети билан биргаликда ходимнинг стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги зарур ҳужжатларни расмийлаштиради, ҳужжатларга берилган аризани қўшиб ўз вакили орқали ариза берувчи яшаб турган район социал таъминот бўлимига юборади, агар маъмурият ва касаба союз комитетининг фикрига кўра, пенсия белгилаш тўғрисида ариза берувчи пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлмаса, ариза берувчига пенсияга тақдим этилмаганлиги сабаби кўрсатилиб ёзма равишда жавоб берилади.

* * *

Ж. МАҲСУМОВА: Пенсия ёшига етган ва иш стажи 15 йил бўлган аёллар қачилик пенсиясига чиқиши мумкинми?

Жавоб: Ҳа, мумкин. «Давлат пенсияси белгилаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом»нинг 8-моддасига мувофиқ:

60 ёшга етган ва камида 25 йиллик иш стажига эга бўлган эркаклар;

55 ёшга етган ва камида 20 йиллик иш стажига эга бўлган аёллар —ишчи ва хизматчилар пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга.

Шу Низомнинг 98-бандига биноан, тўла пенсия олиш учун зарур стажи бўлмаган қарилик пенсиясига чиқаётган ишчи ва хизматчиларга қуйидаги ҳолларда қарилик пенсияси белгилаш мумкин.

а) эркаклар—60 ёшга, аёллар — 55 ёшга етган бўлса;

б) пенсияга ариза берувчилар (эркаклар ва аёллар) камида беш йил ишлаган бўлсалар;

в) улар пенсияга ариза бериш олдидан бевосита уч йил ишлаган бўлсалар;

г) пенсияга чиқиш учун ариза ишлаб турган вақтда ёки ишни тўхтатгандан кейин бир ой мобайнида берилган бўлса.

Низомнинг 143-моддасига биноан қарилик пенсиясига чиқиш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:

а) иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар;

б) иш ҳақи тўғрисида справка (ёки бошқа ҳужжатлар).

* * *

С. ХЎЖАҚУЛОВ, Б. ҲАСАНОВ: Илгари ишлаган, лекин ишлаганлиги ҳақида ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган, иш стажи йўқ қариялар пенсия олиши мумкинми?

Жавоб: Иш стажи борлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган кишиларга пенсия берилмайди.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Тошкент область Калинин районининг «Назарбек» қишлоғидаги конвойхона конвойи Дадахўжа Султонов ишдан кейин ўртоқлари билан спиртли ичимлик истеъмол қилди. Унинг кайфи ошди. Шу алпозда Қатортол кўчасида пайдо бўлди. Шу ерда у транспорт ҳаракатига эътибор бермай, кўчани кесиб ўтмоқчи бўлди. Натижада У. Саъдуллаев бошқариб келаётган КАВЗ— 681 автобуси уни уриб йиқитди.

Д. Султонов бошмияси қалқиган ва танаси жароҳатланган ҳолда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг клиник шифохонасига келтирилди.

— Ҳамид Убайдуллаевич, Ёзувчилар союзида бўлган бир йиғилишда таниқли адабиётшунослардан бири ёшларни мавзу торлигида, жанрлар бир хиллигида қойиган эди, Бу гап чиндан ҳам тўғри. Кўпчилик ёш қаламкашлар бир жанрдан нарига ўтолмаймиз. Кўпинча асарларимиз мавзуси бир хил бўлиб қолади. Бу борада биз устоз адиблардан анча нарса ўргансак арзийди. Мавзу кенглиги, турли жанрларда ижод қилиш борасида Сизнинг тажрибаларингиз кўпларга ўрнак бўларли. Пахтакорлар ғалабаси ҳақида жўшқин публицистик мақолалар. Мирзачўлни ўзлаштириш тарихи, унинг истиқболи ҳақида фильм сценарийси, Чили фожиаси ҳақида достон, ичакузди комедия, замондошларимиз ҳақида роман — буларнинг барчаси Сизнинг талқинингизда бирдек жаранглаб туради. Турли жанрларда баравар ижод қилиш осон эмаслиги ўз-ўзидан аён. Лекин, шунга қарамай, ҳар бир адибнинг ўзи айниқса яхши кўрган, қайта-қайта мурожаат қиладиган мавзуси бўлади, деганлари тўғри. Бундан бир неча йил илгари яратилган «Машъал» диологияси мингларча китобхонларга манзур бўлган эди. Мана, ўтган йили Сизнинг «Мангулик» романингиз босилиб чиқди. Бу асарда ҳам Сиз инқилобий мавзуга мурожаат қилгансиз. Бунинг сабаби нима? Шу ҳақда икки оғиз гапириб берсангиз.

Ҳамид ҒУЛОМ: — Коммунистик партиянинг адабиёт халқ ҳаёти билан яқин бўлиши керак, деган талаби, қаламкашлар олдига қўйган вазифаси жуда ўринли, ҳақ-қоний. Ҳаётдан, халқдан узоқ бўлган ёзувчи, аслида, ёзувчи эмас. Унинг ёзган нарсалари саёз, рангсиз, қуруқ бўлади. Унинг бирор шеъри ёки мақоласи ҳаётий бўлмайди. Бунинг оқибатида, табиийки, китобхонларда, ўқувчиларда, тингловчиларда ҳавас, қизиқиш уйғотмайди. Совет ёзувчисининг энг кўркам фазилатларидан бири халқ ҳаётининг куйчиси бўлганлигидир. Халқ ҳаёти эса рангбаранг. Фақат географик маънода эмас, чуқур маънавий маънода ҳам ҳар қанча мадҳ этса, ёзса, тасвирласа, арзийдиган поёнсиз, теран манбадир. Мен болалигимдан халқим орасида яшайман. Менинг халқим орасида кекса дўстларим ҳам, ёш дўстларим ҳам, тенгдошларим ҳам, фарзандларим қатори дўстларим ҳам жуда кўп. Уларнинг ҳаёти ранг-баранг. Аввало, уларнинг касблари ранг-баранг. Ҳақиқий ёзувчи характерлар яратганда, шу характер соҳибларининг касбларига ҳам эътибор беради, чунки касб кўп фикрлар уйғотади. Масалан, пахтакорлик касби билан металлургнинг касби ёки ўқитувчилик касби билан геологлик касби тамом бошқа олам. Геолог — саҳароларда юради, тоғларга чиқади, ер тубларини қазиб ўрганади ва унинг муҳити бошқа бир табиат бўлади. Ўқитувчи кўпроқ мактабда, мактаб боғчасида, аудиторияларда бўлади. Болалар билан учрашади, уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашади. Кўриб турибсизки, ҳар бир касб эгасининг ўз муҳити, ўз кишилари, дўстлари, мулоқот қиладиган одамлари бошқа-бошқа бўлади. Тасвирлар ҳам бошқача бўлади. Яъни, тил ҳам бошқача бўлади. Ҳар бир касб эгасининг тилида ўзига хос луғат бўладики, буни ёзувчи албатта билиши керак.

Мен ҳар хил кишилар билан учрашаман. Шунинг натижаси бўлса керак, пахтакорлар ҳақида, чўлқуварлар ҳақида, ирригаторлар ҳақида ёзганман. Айни вақтда, ўқитувчилар, кекса инқилобчилар, кекса меҳнат ветеранлари ҳақида ҳам ёзганман. Зиёлилар ҳақида ҳам кўп ёзганман. Чет элларда тез-тез бўлиб турганим учун халқаро мавзуларда ҳикоялар, очерклар ёзиб турамман. Улар китоб бўлиб чиқади, марказий газета-журналларда босилади. Айни вақтда, уларни мен борган мамлакатнинг матбуотлари таржима қилиб эълон қилишади. Радиоларида бериб туради. Бу ҳаммаси маданий алоқаларни мустаҳкамлайди.

Кўпинча, биз, очеркни жанрларнинг разведкачиси деб атаймиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Масалан, менинг кўп йирик асарларим аввал очерк ёзиш учун материал қидириб борганимда учраган кишилар ҳақтинли кейинроқ кенгроқ чуқурроқ кўрсатишга ўхшаб кетади. Масалан, менинг Мирзачўл ҳақида ёзган романим «Сенга интиламан»да ҳам, иккинчи романим «Бинафша атриг»да ҳам илгари ёзган кўпгина очеркларимда тасвирланган қаҳрамонлар учрайди. Шунинг учун ёзувчининг ҳаёт билан яқинлиги, ҳаётни чуқур билиши аввал очеркка туртки, материал бўлса, кейин катта-катта асарларга шубҳасиз, рағбатлантиради, илҳомлантиради.

Кузда шундай бир воқеа бўлди. Мени Самарқандга таклиф қилишди. У ерда, бир сафарда 11 районда бўлдим. Кейинчалик самарқандлик пахтакорлар ҳақида очерклар ёздим. Бу очеркнинг бири «Саодат» журналининг 10-сонида босилиб чиқди. Яна бири «Правда» газетасининг прессбюросида босилиб, жуда кўп вақтли матбуот органларида эълон қилинди ва мен ўша ерда кўрган кишиларим, у ердаги воқеалар турткисида каттароқ бир асар ёзишни ўйлаб қўйдим.

Ёзувчининг кўп жанрда ишлаши, бу йирик асар ёзиши учун нуқсон эмас, балки, бир фазилатдир. Чунки, ҳаёт шу қадар кенг, шу қадар мураккаб, шу қадар бепоёнки, баъзан битта шеърга, битта очеркка воқеаларни сиғдириб бўлмайди. Поэмага ёки ҳикояга сиғмаган воқеа кейинчалик қиссада ёки романда кенг ифодасини топиши мумкин. Шу нуқтан назардан мен ёзувчининг турли жанрларда қалам тебратиши тарафдорман ва ўзим ҳам кўп вақтлардан буён турли жанрларда ижод қилиб келаман. Баъзан боя айтганимдай, очеркларга мавзу бўлган воқеалар, уларда кўрсатилган қаҳрамонлар романларга мавзу бўлади, романларнинг қаҳрамонлари бўлиб камол топади. Баъзан ҳаётдаги ҳар хил нуқсонлар устидан сатира, юмор жанрида кулиб ёзиш керак бўлган тақдирда, мен шу сатира-юмор жанрларига мурожаат қиламан. Бунинг натижасида турли-турли, кулгили драматик асарлар, асосан, музикали комедиялар дунёга келади. Масалан, «Тошболта ошиқ», «Ажаб савдолар», «Ўғил уйланти-риш» ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Энди, кино соҳасидаги ишга келсак, мен ҳозирча ҳужжатли фильм соҳасида ишлаб келаман. Чунки, мен ҳужжатли фильмни фақат бир фотографияга деб тушунмайман, балки, ҳужжатли кино — бу замонамиз солномаси, фақат ҳужжатли солнома эмас, балки, бадиий солномаси ҳам ҳисобланади. Ҳужжатли кинематографияга имкониятлари жуда катта. Мен буни, айниқса, «Мирзачўл» номли фильмни Константин Симонов ва Малик Қаюмов билан бирга яратган вақтимизда, чуқур идрок этдим ва ўйлайманки, бундан кейин ҳам мана шу соҳада, яъни ҳужжатли фильм соҳасида ишлашни давом эттирсам керак.

Романчиликка келсак, кўп китобхонлар «Машъал» диологияси ҳақида ҳамон савол бериб туришади. Романнинг қайта-қайта нашр этилиши муносабати билан ҳамон минглаб мактублар олиб тураман. Айниқса, кейинги бир йил ичида «Мангулик» романи ҳам «Шарқ юлдузи» журналида, ҳам айрим китоб ҳолида нашр этилиши муносабати билан яна «Машъал» ҳақида ва «Мангулик»нинг «Машъал»га алоқаси ҳақида жуда кўп саволлар туша бошлади. Мен фақат шуни айтиб ўтишим керакки, мавзу нуқтаи назаридан, давр нуқтаи назаридан, шубҳасиз, «Мангулик» — «Машъал»нинг давомидир. Нега десангиз, социалистик революциядан ва гражданлар урушидан кейин халқнинг саводини чиқариш фақат ўқиш, ёзишгагина эмас, балки, унинг сиёсий маърифий саводини чиқариш партиямиз, мамлакатимиз олдидаги асосий вазифа этиб ўртага қўйилди. Ленинча маданий инқилоб амалга оширилди. «Мангулик»да Ўзбекистонда маданий инқилоб даври ҳикоя қилинади ва ўша давр қаҳрамонлари романнинг ҳам қаҳрамонлари бўлиб майдонга чиқади. Бу жуда муҳим мавзу. Ва мана, кўпчилик адабиётшунос олимларнинг фикрича ҳам, бу адабиётимизда янги мавзу. Чунки, масалан, ҳотин-қизлар озодлиги мавзуида жуда кўп — ҳам насрий, ҳам драматик, ҳам шеърий асарлар яратилган бир вақтда, маданий инқилоб мавзуида ҳали бирорта йирик асар ёзилмаган эди. Ҳақиқатан ҳам, бу асар ҳам тарихий ҳам актуал ҳаётий мавзуни кенг қамраб олган янги, йирик бир асар сифатида китобхонларга манзур бўляпти.

— Ҳамид ака, яқинда «Шарқ юлдузи» журналига келган китобхонлар хатларининг ҳам ўз қизиқарли томони бор. Бу аёл ўз мавқеини, бойлигини сақлаб қолиш учун қўлига қурол олиб жанг қилади. Биз кўпинча бой отасининг иродасига қарши бориб камбағал йигитни севиб қолган, революция учун курашган қизлар ҳақида ўқиганмиз. Бундай одамлар ҳаётда бўлган. Айни пайтда отасининг бойлигини, эрининг мавқеини сақлаб қолиш учун қўлига қурол олиб курашган аёллар ҳам бўлган. Лекин биз адабиётда уларни кам кўрардик. «Мангулик»даги Замира ана шундай оригиналлиги билан менга ёқди. Бу шубҳасиз, бошқалардан ўзининг етуклиги, истеъдоди, курашдаги фидойилиги билан мураккаб, драматик муҳаббат тўлқинларида сузиши, ўз пок севгисига садоқати билан ажралиб туради. Масъуд, албатта ўша 20-йиллар бошларидаги бизнинг ёш инқилобчи зиёлиларимизнинг тимсоли, уларнинг прообрази, уларнинг мураккаб ҳаёти ва курашини ўзида мужассам этган қаҳрамондир.

Лекин, Дилдор ҳам, бошқа муҳитдан келиб чиққанига қарамай, китобхонларга худди Масъуд каби севимли бўлиб қолди. Ҳатто, хоразмлик бир қиз менга ёзган мактубида «Домла, мен Дилдорни шу қадар севиб қолдимки, Дилдорга ўхшашни истайман, Дилдор каби эркин, мустақил, журъатли бўлишни истайман ва мабодо, «Мангулик» асосида бирор фильм ёки спектакль яратилса, Дилдор ролини ўйнашни орзу қиламан», деб ёзади. Шубҳасиз. Дилдор образи ҳам ўша даврнинг, яъни, мураккаб, инқилобий синфий курашлар даврининг қаҳрамонларидан. аёл қаҳрамонларидан бири ҳисобланади.

Айни вақтда бир қанча салбий қаҳрамонларнинг образлари яратилган. Чунончи, бир ёзувчимиз мен билан суҳбатда «Замира менга айниқса манзур бўлди», деб таъкидлади. Ваҳоланки, Замира — салбий қаҳрамон, душман синфнинг— эксплуататор синфнинг фарзанди. Аммо шундатли, характерининг ўткир қирралари, мудҳиш мақсадига ўзига хос бир фанатик содиқлиги билан ажралиб туради, бундай характерлар ҳам адабиётимизнинг шубҳасиз ютуғи ҳисобланади.

— Газетхонлар сизнинг яна қандай асарлар устида ишлаётганингиз билан жуда қизиқадилар. Ижодий режаларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

Ҳамид ҒУЛОМ:— Ҳали айтганимдек, Самарқандга сафар қилганимда кўп жойларда бўлдим, кўп пахтакорлар билан ҳамсуҳбат бўлдим. Уларнинг қийин, аммо шарафли меҳнати ҳақида асарлар ёздим. Бу кишиларнинг тақдири янги, катта асарга туртки бўлди. Шу тариқа янги роман ёзиш истаги туғилди. Ҳозир ана шу «Замин юлдузлари» романим устида ишлаяпман. Яна бошқа ижодий режалар ҳам бор.

— Кўплаб китобхонларингиз номидан янгидан-янги ижодий парвозлар тилайман.

Суҳбатни Ў. ҲОШИМОВ олиб борди.

Ёзувчи ижодхонасида

МАНГУЛИККА ҚАСИДА

Яқинда муҳбиримиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати атоқли ёзувчи Ҳамид Ғулом ижодхонасида бўлиб, у билан суҳбатлашди. Қуйида шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

• Қадимги ҳикоятлар

Дўст бозорингиз мевалари

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

☆ **Бир улуғ олим шундай деган эди:**

— Киши уч вақтда дўстлигини билдирмаса, ундай дўстни дўст деб бўлмайди. Бу уч вақтдан бири—машаққат юз берган вақт, иккинчиси—уйда бўлмаган пайтда оиласига ёрдам этиш, учинчиси—вафот қилганда кўмиш маросимини ойлага келтириш.

Яна айтди:

— Уч нарса дўст ва қариндошнинг ҳурматини оширади. Биринчиси—кўрганда биринчи бўлиб салом бериш иккинчи — ўтиришга келганда туриб жой бериш, лақабини атамай, исмини ҳурмат билан тўлиқ айтиш!

☆ Суқрот ҳаким айтади:

— Дўстингни кўрганингда унга яхши гаплар айтиб сўзлаш, чунки ҳурмат ва яқинлик яхши сўз билан ҳосил бўлади. Душманликнинг боши қўполликдир.

☆ Бир фозил кишидан:

— Эй фалоний, сенинг дўстларинг кўпми? — деб сўрадилар.

У эса:

— Билмайман, ҳозир молу давлатим ва обрўйим ошган пайт, қачонки мол-давлатим ва обрўйимдан ажралсам, ўша пайтда қанчалигини айтаман!—деб жавоб берди.

☆ Дунёда энг яхши иш холис дўст топишдир. Дўст излашга чиққан кишининг сафари кўп узоқ сафардир, яъни ҳақиқий дўст топиш қийин.

☆ Бир файласуфдан:

— Дўст нима?—деб сўрадилар.

— Исми бор, аммо жисми йўқ нарса! — деб жавоб берди файласуф.

★ Асмаий айтади:

— Бир куни Халилнинг олдига кирдим. Кичкина тўшакда ўтирар эди. Мени кўриб: «Ўтир» деб ишора қилди. Мен унга: «Ўзинг зўрга сиғиб ўтирибсан-ку! дедим. У эса: «Икки душман бутун дунёга сиғмайди, аммо икки дўст бир қарич ерга сиғади!» деб жавоб берди.

☆ Оқил кишининг дўст ёки душман тоифасидан бўлишига қарамай, уларнинг сўзига қулоқ сол, чунки оқил кишининг ақлидан ақл нур олади.

☆ Молик ибн Динорнинг бир оти бор эди. Уни ишлатмай боғлаб қўярди. Одамлар: «Бу отни нима қиласан?» деб сўрадилар. Молик: «Ёмон одамлар ва кишилар билан ҳамсуҳбат бўлганимдан кўра шу отнинг ёнида турганим маъқул!» деб жавоб берди.

☆ **Ҳикоят.** Исҳоқ ал-Мусилий деган киши бир куни дўстининг уйига келди. Дўсти уйда йўқ экан. Унинг хизматкорини чақириб: «Хожангни пули қаерда турадн?» деб сўради. Хизматкор ҳожасининг пул солинган халтасини олиб чиқди. Исҳоқ ундан икки динор олиб чиқиб кетди. Дўсти уйга келган вақтда хизматкор унга:

— Дўстинг Исҳоқ келиб, пулингдан икки динор олиб кетди!— деб арз қилди.

Ҳожа севинганидан:

—Агар гапинг рост бўлса, мен сени хизматкорликдан озод қилдим!—деди.

☆ Ҳакимлар айтади:

— Ҳар нарсанинг янгисини ихтиёр қил, аммо дўстларнинг эскисини эсдан чиқарма!

☆ Ҳар кимда бир гўзал фазилат ва чиройли хислат кўрсанг ундай киши билан доимо ҳамсуҳбат бўлишга интил, чунки ундаги фазилатлар сенга ўтиб қолиши мумкин!

☆ Уч нарса дўстликни тобора оширади: зиёрат қилиб бирга юрмоқ, бирга овқатланмоқ ва ҳамсуҳбат бўлмоқ.

★ **Ҳикоят.** Олим Сижовандийнинг бир дўсти бор эди. У бир неча кун олимнинг зиёратига келмади. Сижовандий ундан гина қилиб, хат ёзди. Дўсти эса унга Ҳаririйнинг қуйидаги байти билан жавоб ёзиб юборди:

Севганинг олдига борма ҳар куни,
Камроқ борсанг ошар меҳру ҳурмати.
Ойни кўр ҳар куни чиққани учун,
Кўзларинга кўринмас унинг қиймати!

Сижовандий унга шундай жавоб ёзди:

Кишни агар сени севса чин дилдан,
Ҳар куни борсанг ҳам келмайди малол.
Қуёшни кўргинки, ҳар куни чиқса ҳам,
Одамлар чиқма деб айтмоғи маҳол!

☆ **Ҳикоят.** Бир куни Муғирага арз қилишиб:

— Соқчиларинг ўғларининг дўстларини сенинг дўстларингдан аввал ҳузурингга киритишади!—дейишди.

Муғира уларга:

— Дўстлик итларга ва бошқа ҳайвонларга ҳам фойда беради. Демак у одамларга нима учун фойда бермасин!—деди.

☆ **Ҳикоят.** Икки хотин бир болани талашиб қолиб, қози ҳузурига бордилар. Қози жаллодни чақириб:

— Мана бу болани қиличинг билан иккига чопгинда, ҳар икки хотинга бўлиб бер!—деди.

Жаллод ўлдиришга шайланиб турганда хотинлардан бири дод-фарёд солиб:

— Эй жаллод, уни ўлдирма, майли менинг болам бўлса-да, мана бу хотинга берақолай, токи болам ўлмасин!—деди.

Қози фаросат билан бола йиғлаб турган хотинники эканини билди. Йиғламай, парвойи фалак бўлиб турган хотинни қамчи билан савалатиб, қувлаб юборди. Болани иккинчи хотинга беришга фармон қилди.



Ўзбекистон Архитекторлар союзининг кўргазмалар залида Грайр Ханеданьян асарларининг виставкаси намойиш этилмоқда. Тасвирий санъат мухлислари уни катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Сабаби, Г. Ханеданьян профессионал рассом бўлмай, таниқли опера хонандаси, Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театрининг солистидир. Унинг ижрочилик маҳорати Ўзбекистон ССР халқ артисти ва Украина ССРда хизмат кўрсатган артист унвонлари билан тақдирланган. Мамлакатимизнинг кўпгина опера театрлари, шу жумладан ССР Иттифоқи Давлат Академик Большой театри саҳнасида ҳам унинг овози жаранглаб эшитилган.

СУРАТДА: Грайр Ханеданьян виставка томошабинлари билан суҳбатлашмоқда.

А. Авазов ва Р. Шамсутдинов фотоси, (ЎзТАГ).

• Фан ва техника янгиликлари

КОРРОЗИЯГА ҚАРШИ ПОЛИМЕРЛАР

Давлат амалий химия институтида фторли муҳитда ишлайдиган машина-ускуналарни иҳота қиладиган янги полимер материаллар ишлаб чиқилди.

Уларни жорий этиш бир қанча техникавий муҳим масалаларни ҳал қилишга имкон беради. Жумладан, қимматбаҳо платина ишлатиш зарурати қолмайди. Аппаратнинг сиғими анча ошади. Химиявий соф фторли туз ишлаб чиқариш ҳажми тахминан уч баравар кўпаяди.

Ушбу полимерлар СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасида очилган «Металлар ва металл буюмларни коррозиядан иҳота қилишда эришилган ютуқлар ва илғор методлар» виставкасида кўрсатилмоқда.

ФОСФОРДАН КАТАЛИЗАТОР

Шу зангори моддани нинг атиги бир граммидаги миллион-миллион микроскопик ғоваклар юзини бир текисликка ёйдиган бўлсак, унинг саҳни футбол майдонича келган бўлур эди. Янги материал 800 градусгача қиздирилганда тузилишини ўзгартирмайди. Солиштирма юзи ҳам ўзгаришсиз қолади.

— Алюминий фосфатининг мана шу ноёб хусусиятн туфайли у кўпгина технологик жараёнларда ишлатилади.— дейди янгилик автори Белоруссия технология институтининг муаллими Л. Ешченко.

Таркибида фосфори бўлган моддалар билан шуғулланувчи белоруссиялик химиклар турли аҳамиятдаги янги-янги материалларни синтез қилдилар. Бу материаллар ўтга чидамли материаллар саноатида ва шишапаздикда, абразив асбоблар ва электроизоляция материаллари тайёрлашда ишлатилмоқда.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ва АПН МУХБИРЛАРИ ҲАБАР ҚИЛАДИЛАР

ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ҚИШКИ ЮМУШЛАРИ


СОФИЯ. Календарда қишнинг охирги ойи, аммо Болгария деҳқонлари баҳор юмушлари билан банд. Нам тўплаган ерлар яна ҳосил бериш учун куч йиғаётган бир пайтда қишлоқ меҳнаткашлари унинг яна ҳам сахий бўлиши учун зарур чораларини кўрмоқдалар.

Далаларда кузги экинлар қўшимча озиқлантирилмоқда. Қишлоқ хўжалик машиналари тез суръатлар билан ремонтдан чиқарилмоқда. Кўп хўжаликларда ремонт ишлари тугади. Об-ҳаво қулай келиши билан, эртанги экинларни экиш учун машиналар далаларга чиқарилади.

Мутахассислар қиш ойларидан кадрларнинг профессионал ва иқтисодий билимини ошириш учун фойдаланмоқдалар. «Кўчма семинарлар» бу йил ўқишнинг қизиқарли формаси бўлиб қолди. Қишлоқ меҳнаткашлари шундай кўчма семинарлар ёрдамида республикадаги ҳар хил округларнинг илғор хўжаликлари тажрибаси билан танишадилар.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ БИЛАН

БУДАПЕШТ. Венгриянинг Тата шаҳридаги «Хютехника» саноат корхоналари бу йил СССРга янги типдаги холодильник установкаларининг биринчи туркумини юборди. Бу установкани коллектив совет мутахассислари билан биргаликда яратди ва ишлаб чиқаришга жорий этди. Илгариги установкаларга қараганда унинг вазни кам бўлиб, лекин қуввати анча кўп. Фойдаланиш учун тежамли ва пишиқдир. Корхонага Совет Иттифоқи энг кўп миқдорда буюртма берди.



ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Сопроне шаҳрида одатдагидан ташқари донра шаклидаги сув ҳавзаси ишга тушди. Унинг ички ҳовузида бир йўла 500 га яқин ҳаваскор сузувчи шуғулланиши мумкин.

МТИ—ТАСС фотоси.


ГЕОЛОГЛАР ВА ЁНИЛҒИ БАЛАНСИ

ПРАГА. Чехословакия текисликларида ва тоғ қияликларида минглаб мутахассислар геология-разведка ишларини бажармоқдалар. Шу қиш мавсумида ЧССРнинг турли районларида 200 га яқин қидирув экспедицияси ишламоқда.

1978 йилда геологларнинг иш ҳажми ўтган йилдагига қараганда 10 процентдан зиёд кўпаяди. Энг асосий мақсадлардан бири — Слан тоғларида тош кўмирга бой конларни фойдаланишга топиришдир. Бу ерларда 150 миллион тонна кўмир запаслари бор, деб мўлжалланади. Бундан ташқари бу йил Фрештат районида дастлабки тонна коксланувчи кўмир қазиб чиқарилади. Геологлар бу ерда шу ҳом ашёнинг тахминан 400 миллион тонна запаси бўлган конларни ўрганиб бўлдилар. Словакиядаги Гбер шаҳри ёнида тадқиқот ишлари давом эттириладн. Бу ерда юксак сифатли лигнит конлари очилди.

«Командамга қулоқ сол»

(РЕПОРТАЖ)



...Қум тепалик ортидан танк чиқиб келди. Унинг кетидан иккинчи, учинчи танк кўринди... Кейин эса жанговар машиналар ортидан чопиб келаётган «душманнинг» пиёдалари кўзга ташланди.

Маррага ўрнашиб олган ленинчи курсантлар чўлни ларзага келтириб ўзлари томон яқинлашиб келаётган даҳшатли машиналарни бетокатлик билан кузатишиб туришарди. Окопдан «душман» транспортёридан тушган жангчилар дарҳол ҳар томонга тарқалиб кетаётганлиги кўриниб турарди. Улар танклардан орқада қолмасликка ҳаракат қилишарди. Қўлларидаги автоматлар қалтирар, ҳужум ҳалқаси тобора торайиб борарди.

«Душман» жуда яқинлашиб қолди. Лекин окопдагилар уларга қарши ўт очишга шошишмади. Улар «душман»ни янада яқинлашиб келишини кутишарди.

— Диққат! — дея қўлини юқорига кўтарди взвод командири.

Аммо... У сўнгги сўзларни айтишга улгурмади. Шу пайтга қадар жанг масаласига аралашмай турган қўлига оқ боғич тағиб олган алоқачи эълон қилди:

— Қулоқ солинглар, взвод командири сафдан чиқди...

Сергей Никитин учун ҳақиқий шароитни баҳолашга бир неча секунд вақт кетди. У бошини бироз кўтариб ҳалжонли оҳангда бақирди.

— Взвод, менинг командамга қулоқ сол! Танклар ўтказиб юборилсин, пиёдалар ажратиб қўйилсин!

Ҳеч қандай қаршиликка учрамаган танклар олдинга қараб ўтиб кетишди. Улар ўз пиёдаларидан тобора олислашиб боришарди. Мана улар окоплар жойлашган жойга ҳам етиб келишди. Окопларни мажақлаб фронт орқасига йўл олишди. Ҳамма нарсани белгиланганидек амалга оширраётган взвод эса «душман» пиёдаларини ўт очиш билан кутиб олди. Таҳликага тушиб қолган пиёдалар нима қилишини билмасдан қоча бошлашди. Шу пайт узоқдан замбаракларнинг овози эшитилди. Яширин маррадаги батарея взвод томонидан ўтказиб юборилган танкларни йўқ қилишга киришди.

Машқ тамом бўлганидан кейин батарея командири энг яхши курсантларнинг номларини тилга олиб ўтди. Уларнинг орасида Сергей Никитин ва унинг укаси Владимир ҳам эслаб ўтилди.

Ҳақиқатдан ҳам улар машқ вақтида аниқ ва тетик ҳаракат қилишди. Бу аниқлик ва ирода уларда ҳар куни ўтказиладиган машқларда шаклланган. Курсантларнинг куни эрталабки подъёмдан бошланади. Кейин қоронғи тушгунга қадар машқ бўлади. Ҳар куни бу нарсалар такрорланади. Юзаки қараганда бироз эриш туюлган бир хиллик курсантларнинг иродасини мустаҳкамлаш, амалий кўникма ҳосил қилишларига ва билимларини пухта бўлишига омил бўлмоқда. Айтгандай, Сергей ва Владимирнинг отаси — полковник, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси Виктор Сергеевич Никитин ҳам шу мактабда ўқиган эди. Владимир Добротхотов, Александр Линев, Георгий Тихомиров, Владимир Завернягин ва бошқалар ҳам ўз ота касбларини давом эттиришмоқда. Улар кекса авлоднинг жанговар анъаналарини давом эттириб, ленинчи курсантлар комини шараф билан оқлашяпти.

1918 йилда Тошкентда командирлар тайёрлаш курси ташкил қилинган эди. Ўша пайтда курсантларга машқларни ҳақиқий жанг билан қўшиб олиб боришга тўғри келганди. Аммо улар ҳозиргидек полигонларда эмас, тиштирноғигача қуролланган босмачилар ва оқ гвардиячиларнинг отрядлари билан жанг қилишганди. Улар совет ҳокимияти учун олиб борган жанг ҳақида М. В. Фрунзе шундай деган: «Қизил Армиянинг сафида ҳарбий инструкторларнинг Туркистон мактаби сингари ҳарбий қисмларнинг борлигини ҳис қилиш маъроқли ва фахрлидир. Бу — яхши уюшган, мустаҳкам, юқори интизомли, яхши тайёрланган, жасоратли коллективдир. Уларнинг қисқа вақтда интизом, жасурликни ўрганиб олишга улгурганликлари одамни ҳайратга солади. Билим юртини ташкил қилинганига бир йил бўлди. Муболағасиз айтиш мумкинки, бу мактаб таққосланганда чор Россиясининг юнкер кадрлар тайёрловчи ўнлаб билим юртларидан юқори туради».

В. И. Ленин номли Қизил байроқли Қизил Юлдуз орденли Тошкент умумқўшин командирлари билим юртининг курсантлари Улуғ Ватан урушининг фронтларида ҳам мардонавор жанг қилишди. Билим юрти битирувчиларидан 43 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлди. 40 киши эса Совет Армиясининг генерали бўлиб етишди.

Ҳозир ҳам ленинчи курсантлар ҳарбий санъат сирларини В. И. Ленин васият қилганидек, мукаммал ўрганишмоқда. Улар ҳамиша жанговарликни юксак даражада сақлаб туришибди.

Г. ГЛАЗКОВ.

СУРАТДА: майор Е. Д. Гудков курсантларга мураккаб механизмларнинг тузилишини тушунтирмоқда.

Н. Сидоров фотоси.

• Ҳар тўғрида

ҚАЙЛИҚ БОЗОРИ

«Кундалик ҳаёт кечириш учун бир тийин ҳам пулим йўқ эди» телекамера объективи орқали ҳикоя қилади 18 ёшлик келин Карин. Бу суҳбат орқали Германия Федератив Республикаси томошабинлари Жонни исмли чет эллик бир киши 2 минг марка тўлаш шарти билан Карингa уйланишга аҳд қилганлигини билиб олдилар. Чунки унинг бу мамлакатга келиб яшаши ва ишга жойлашиши учун маҳаллий аёлга уйланиши шарт эди. Бир ишчининг ўртача икки ойлик маоши баравар келадиган пул учун Карин ўз тақдирини ўзидан анча катта ва икки боланинг отаси бўлган бу нотаниш киши билан боғлашга мажбур бўлди.

Бундай воқеалар Ғарбий Берлин ва Германия Федератив Республикасида тобора кенг тарқалаётганлиги матбуот хабарларидан маълум. Бу ерда қайлиқлар махсус бозорда сотилади. Уларнинг баҳоси эса 2 минг маркадан 4 минг маркагачадир. Мамлакатнинг Штутгарт, Франкфурт-на-Майне, Мюнхен, Гамбург, ва бошқа кўплаб йирик шаҳарларидаги ёшлар ишсизлик туфайли мана шундай ҳаёт кечиришга мажбур бўлишмоқда.

КЎЗОЙНАКЛИ ХЎРОЗ

Дания паррандачилик фермалари ҳовлисида пластмассали кўзойнак тақиб олган хўрозларни кўплаб учратиш мумкин. Бу нима — ҳазилми ёки табиат инъом этган бир ҳодисами? Униси ҳам, буниси ҳам эмас. Маҳаллий фермерлар тажрибага бой кишилар. Улар пулни бекорга совуришмайди. Шунинг учун ҳам улар яқинда олимларга бир маслаҳат билан келишди. Маълумки, хўроз урушоқ паррандалар тоифасига киради. У ўз рақиби билан уришаётганда жуда кўп куч ва энергия сарфлайди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда хўрозларнинг бирбирлари билан мана шундай «рақобати» давом этаверса фермерлар юзлаб килограммлардан иборат хўроз гўштидан маҳрум бўлишади. Бунинг чораси жуда тез топилди. Маълум бўлишича, пластмассали кўзойнак тақилса хўроз узоқни кўролмас экан. Шундай қилинган тақдирда у ёнидаги рақибини кўрмайди ва у билан «курашиш учун» ҳеч қандай куч сарфламайди.

ЯПОНИЯНИНГ «БАҲОСИ» ҚАНЧА?

Мамлакатда ерга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Агар ўтган йилнинг январь ойи билан шу йилнинг январь ойи ўртасидаги тафовут бир-бирига таққосланганда ерга бўлган баҳо ўртача ҳисобда яна 2,6 процентга ортганлигини яққол кўриш мумкин. Айниқса мамлакатнинг аҳоли қалин яшайдиган районларида ер участкалари қимматлашиб боряпти. Жумладан, Токиода 1 цубо (3,3м²) ер 121 минг кенни ташкил қилади. Бугунги кунда Япония архипелаги 430 триллион иен ҳажмида «баҳоланмоқда».

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ●

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

«РЕВОЛЮЦИОНЕРНИНГ ЎЛИМИ»

НОМЛИ ЯНГИ КЕНГ ЭКРАНЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА

ЧИҚАРАДИ



Сценарий муаллифи — Эдуард ВОЛОДАРСКИЙ.
Постановкачи-режиссёр — Николай РЯЗАНЦЕВ.
Бош оператор — Вадим ГРАММАТИКОВ.

Фильм 1923 йилда Швейцариянинг Лозанна шаҳрида эмигрант—оқ гвардиячи томонидан ўлдирилган таниқли ленинчи революционер, дастлабки совет дипломатларидан бири Вацлав Вацлавович Воровский ҳаётининг сўнгги кунларига бағишланган.

«Ленин ўткир зеҳнли, маданиятли Вацлав Вацлавовични жуда яхши кўрарди,— деб ёзган эди И. И. Скворцов-Степанов.— У дўстлари орасида босиқ, мулойим табиат, душманлар қароргоҳида қатъий, букилмас продали бу одамга мутлақо ишониш мумкинлигини биларди». «Революционернинг ўлими» фильмининг авторлари Воровский образини экранда айнан ана шундай тасвир этишга ҳаракат қилишган.

Лозанна конференциясида қатнашаётган йирик Ғарб давлатлари вакилларининг Воровскийни тезроқ жўнаб кетишга эришиш, уни ташқи муҳитдан ажратиб қўйиш, Москва билан алоқасини узиб қўйиш йўлидаги ҳар қандай уринишлари зое кетди. Улар Воровский фаолиятини чеклаб қўйишга муваффақ бўлолмадилар: совет дипломатининг Туркия делегацияси бошлиғи Исмат-пошша билан Қора денгиз бўғозлари хусусида Туркия тутган позициясини аниқлаш юзасидан олиб борган узундан-узоқ ва қийин музокаралар жуда катта роль ўйнади.

Ушанда одамлар билан жуда гавжум ресторандаги кечки тамаддиқ вақтида Воровский ёнига қандайдир нотаниш киши яқинлашади ва унга қараб бир неча марта ўқ узади.

Воровскийнинг ўлдирилиши бутун дунё меҳнаткашларининг қаҳр-газабини қўзғади.

ФИЛЬМДА АРТИСТЛАРДАН ВЛАДИМИР СЕДОВ, ЮРИЙ ДЕМИЧ, СТАНИСЛАВ ЛАНДГРАФ, ЮРИЙ САРАНЦЕВ, ДМИТРИЙ МИРОГОРОДСКИЙ, СВЕТЛАНА ОРЛОВА, ЮРИЙ ЛАЗАРЕВЛАР ҚАТНАШАДИ.

«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕСС АГЕНТЛИГИ

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

СССР биринчилиги учун «А» классининг биринчи группасидаги командалар ўртасида

ХОККЕЙ

28 ФЕВРАЛЬ ВА 1 МАРТДА

УРИЦКИЙ НОМЛИ СПОРТ КЛУБИ (Қозон) — «БИНОКОР» (Тошкент).

5, 6 МАРТДА

«АСК» (Куйбишев) — «БИНОКОР» (Тошкент).

Матчлар соат 19.00 да, 5 мартда соат 14.00 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

4 МАРТ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ДИЛРАБО» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ХОНАНДАЛАР:

Ортиқ ОТАЖОНОВ, Хадича АЛИМАРДОНОВА, Алижон ҲАСАНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА, Гуломжон ДАДАҲОНОВ, Фотима БАРАТОВА.

РАҚҚОСАЛАР:

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати КАРИМА УЗОҚОВА

Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Раҳима РИХСИЕВА, Отажон РАЖАБОВ.

Оригинал жанрда — Саттор ИСЛОМОВ.

Интермедия ва юморда — Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Абдуфатоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Мавжуда ХОЛДОРОВА олиб боради.

«ДИЛРАБО» ансамблининг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Айюб ҚОДИРОВ.

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Филармониянинг бадиий раҳбари — Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреати, композитор Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба куплари соат 10.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министрлиги ТОШКЕНТ ГЎШТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎҚУВ КОМБИНАТИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқув комбинати қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: ичакларни ишлаш бўйича мутахассислар.

Ўқиш муддати —6 ой.

СЎТ КОРХОНАЛАРИ УЧУН АППАРАТЧИЛАР. Ўқиш муддати — 6 ой.

Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мастер ёрдамчилари. Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқувчилар стипендия ва кунига 3 маҳал иссиқ овқат, ётоқхона билан таъминланадилар.

18 ёшдан 35 ёшгача бўлганлар қабул қилинади.

Ўқишни битирганлар махсус мутахассислик бўйича аттестат оладилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни қабул комиссиясига топширишлари керак: директор номига ариза ва таржимаи ҳоли, 7—8-синфларни битирганлиги ҳақидаги шаҳодатнома ёки ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақидаги справка, 4 та фотосурат (3х4 см.), гўшт ёки сут комбинатидан йўлланма.

Ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Ўқиш — 2 мартдан бошланади.

Бизнинг адрес: Тошкент область. Калинин район, Ўртаовул посёлкаси (131-автобуснинг «Сўнгги» бекати).

ХУСУСИЙ АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЖИГУЛИ» АВТОМОБИЛИНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ ВА УНГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА ИХТИСОСЛАШГАН АВТОМОБИЛЬ МАРКАЗИ

ДАМ ОЛИШ КУНИСИЗ СОАТ 9.00 ДАН 22.00 ГАЧА ИШЛАШ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ



ИХТИСОСЛАШГАН АВТОМОБИЛЬ МАРКАЗИ АВТОМОБИЛНИ ЮВИШДАН ТОРТИБ, ГАРАНТИЯ ХИЗМАТИ БЎЙИЧА КАПИТАЛ РЕМОНТ ИШЛАРИНИ, ҲАТТО КУЗОВЛАР, АГРЕГАТЛАРНИ ЯНГИЛАРИ БИЛАН АЛМАШТИРИШГАЧА БЎЛГАН БАРЧА ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ.

Марказда экспресс-диагностика станцияси ташкил этилган. 40 минут ичида автомобиль атрофлича ўрганилиб, диагноз қўйилади ҳамда шу жойнинг ўзида барча камчиликлар бартараф этилади.

Майда ремонт ишлари бажариладиган жойда машина эшиклари, капотлари ўзингизнинг иштирокингизда силлиқлаб берилади ва уларнинг деталлари алмаштирилади. Ихтисослашган автомобиль маркази барча маркадаги автомобилларни бўяб беради, автомобилларнинг блоклари ва каленчат ўқларини чархлаб бериш учун қабул қилади.

АВТОМОБИЛЬ ЭГАСИ 76-74-85 ТЕЛЕФОНИ ОРҚАЛИ ОЛДИНДАН БУЮРТМА БЕРИБ, АВТОМОБИЛГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КУНИНИ ЎЗИ БЕЛГИЛАШИ МУМКИН.

Автомобиль маркази бажарилган барча ишлар учун гарантияли талон беради.



Бизнинг адресимиз: 700115, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 27-уй.

СССР Енгил саноат министрлигининг ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ МАРКАЗИЙ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўртача толали пахтани тозалаш, чангли жинлаш, ўртача толали пахта толасини тозалаш, нигичка толали пахтани тозалаш, автоматлар, асбоблар; пахтани синаш ва стандарт методларни ишлаб чиқиш, луб заводларида оғир меҳнат жараёнларини механизациялаш, пахтанинг янги навларн технологик хоссаларини ва машина терими технологиясини ўрганиш, қўлланиш, вентиляция, иссиқ масса алмашинуви лабораторияларининг мудирлари, катта ва кичик илмий ходимлари.

Намликни ўлчаш, меҳнат муҳофазаси, нигичка толали пахтани қуритиш секторларининг мудирлари, катта ва кичик илмий ходимлари.

КОНКУРС МУДДАТИ — 10 МАРТГАЧА

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, ГСП, Ш. Руставели кўчаси, 8-уй. Телефон: 33-68-10.

ДОИМИЙ ИШГА

печатниклар, қўлда ҳарф терувчилар, машинада ҳарф терувчилар, қоғоз қирқувчилар, юқорида кўрсатилган касблар бўйича шогирдлар, курьер, фаррошлар, инспектор, ёрдамчи ишчилар, лифтчилар, швейцар, ошхона ишчиси, қоровуллар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

«Теазмонтаж» трестининг Ўзбекистон ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж бошқармасига тегишли СССР Қурилиш банкининг 116181 номердан 116200 номергача бўлган йўқолган ЛИМИТЛИ ЧЕК ДАФТАРЧАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/II да Севги ҳақида қисса, 1/III да Дон Карлос.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/II да Келинлар қўзғолони.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/II да Ҳаммомга бало борми? 1/III да Тўй муборак, қари қиз.

КИНО

28 ФЕВРАЛДА

САНЪАТ САРОЙИ — Карпат довонлари (катта зал, кечқурун).

Бўрондаги олишув — ҚОЗОГИСТОН» (19, 21.00). «ВОСТОК», (18, 19.40, 21.10), «МИР» (17, 19, 21.00), «ДРУЖБА» (18, 20.00).

Қуролланган ва жуда хавфли — «ДРУЖБА» (17, 19, 21.00).

Тақдир — «ЧАЙКА» (17.30, 20.30).

Йўқолган экспедиция — «ҚОЗОГИСТОН» (17, 20.00).

1 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — Карпат довонлари (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Бўрондаги олишув — «ҚОЗОГИСТОН» (11, 15, 19, 21.00), «ВОСТОК» (10.20, 12, 14, 16, 18, 19.40, 21.10), «МИР» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00), «ДРУЖБА» (12, 14, 16, 18, 20.00).

Қуролланган ва жуда хавфли — «ДРУЖБА» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

Тақдир — «ЧАЙКА» (11.30, 14.30, 17.30, 20.30).

Йўқолган экспедиция — «ҚОЗОГИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20.00).

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Политехника институти ректорати ва жамоат ташкилотлари доцент Т. З. Шермуҳамедовга отаси

Зокир ШЕРМУҲАМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

28 ФЕВРАЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Мактаб ўқувчиларига музика ҳақида». Э. Григнинг фортепьяно пьесалари. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал. 18.55 Комсомол дружиначилар рейди. «Ичкиликбозликка қарши курашамиз». 19.40 А. Вивальди. «Йил фасллари». 20.25 «Софияга йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси 22.00 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 22.30 «Оқ йўл». Томошабинларнинг хатлари асосида программа. 23.20 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Ўзбекистон комсомолининг XXI съезди олдидан. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мангу барҳаётлар». 18.25 «Жаҳон Тошкент овозини тинглаяпти». 18.55 «Кўклам чорлайди». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Осетия оҳанглари». Телевизион фильм-концерт. 19.50 «Биз қишлоқда яшаймиз». Қишлоқларни комплекс қуриш ва ободонлаштириш бўйича кўрик-конкурс. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артисти Берта Давидова куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Футбол бўйича VIII халқаро ўсмирлар турнири қатнашчилари — студиямиз меҳмони». 22.25 «Шонли анъаналар ворислари». «Олтин». Бадиий фильм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Ёшлик» студиясининг почтаси» (рус.). 19.15 Болалар учун фильм. «Ўрмон қўриқчилари». 19.30 «Она шаҳрим — Тошкентим». 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Ўзбекистон тилларда достон». 20.35 «Санъат турлари. Кино санъати». Эстетикадан ўқув кўрсатуви (рус.). 21.15 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари» (рус.). 21.45 Сиртдан ўқитган студентлар учун. Олий математика.

1 МАРТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Мактаб ўқувчиларига музика ҳақида». Э. Григнинг фортепьяно пьесалари. 10.25 «Софияга йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.25 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.00 Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.45 «Куйга солинган шеърият». 16.45 «Монии варианти». Телевизион очерк.

17.15 «Советская Россия» газетасининг совғаси учун тўпли хоккей бўйича халқаро мусобақалар. СССР— Швеция терма командалари. 2-тайм. Кемероводан олиб кўрсатилади. 18.00 «Горичлар, қаердасиз!» 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Фан оламида». 19.15 «Жаҳон халқларининг ижоди». 19.45 «Инсон ва қонун». 20.15 «Спортлото» тиражи. 20.25 «Софияга йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Консерваториянинг Катта залида Эмиль Гилельс концертлари. 3-кўрсатув. Программада Р. Шуман ва И. Брамс асарлари. 22.40 «Дўстларимиз чеҳраси». Кўрсатувни ёзувчи А. Алексин олиб боради. 23.20 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Қўшиқларга бурканган олам». Болалар учун фильм-концерт. 12.10 «Комсомоллар отлиқлари». Телевизион бадиий фильм. (рус.).

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 Ўсмирлар учун. «Нуроғшон давра» (рус.). 18.25 Ўзбекистон комсомолининг XXI съезди олдидан. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз— 70-йиллар комсомолларимиз» (рус.). 18.55 «Миллионлар ленинча университети». «КПССнинг ўнинчи беш йиллиқда янги, янада йирик социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун зарур шарт-шароит яратишдаги фаолияти». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ижод гулшани». Тележурнал. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ваҳор ва бахт қўшиқлари». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Кино оламида». 23.00 Футбол бўйича VIII халқаро Ўсмирлар турнири. Ўзбекистон— ЧССР терма командалари. 2-тайм. Репортаж (ёзиб олинган). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Биз рақсга тушамиз». 19.30 «Чорвачилик: тажриба, ташаббус». 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Санъат турлари. Кино санъати». Эстетикадан ўқув кўрсатуви. 21.00 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». 21.30 Абитуриентлар учун. Физика.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
28 ФЕВРАЛЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш—32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; вилоялар бўлими —33-81-42.

Р—03224. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1246.